

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2015 йил
15 апрель
ЧОРШАНБА
№ 29 (12769)

www.th.uz

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

БАХТЛИ БОБОЛАРДАН БИРИ

Бекобод туманида хурмат-эҳтиромга муносиб нуруний кексалар кўп. Уларнинг 10 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 345 нафари фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, 5 нафари эса 100 ёшдан ошган табаррук қариялардир. Қай бирлари билан суҳбатлашманг, ҳозирги дориламон замондан ва ҳукуматимиз кўрсатаётган эҳтирдан мамнуи эканликларини изҳор этадилар. Шундай бахтиёр отахонлардан бири Хос қишлоғилик уруш ва меҳнат фахрийси Эшонкул ота Кўшматовдир.

Отанинг ёшлик даври уруш арафасидаги йилларга тўғри келди. Суяги қотиб-қотмай, тракторчиликни ҳавас қилиб, ўрғанаи деғанда, уруш бошланиб, орзуси ушалмай қолди. Беларуссия frontiда жангга кирган Эшонкул ота 1944 йилгача Европанинг бир қатор шаҳар-қишлоқларини озод қилишда қатнашиб, қўлидан жиддий жароҳат олган, қишлоғига қайтиб келди.

(Давоми 3-бетда).



Чехралар нуруний, юзда табассум, Кўнгиллар эъзозда, қўллар дуода.

Шурмаёно ҳикматга қўлоқ тут, бир зум, Шунда гўбур қолмас кўҳна дунёда. Равшан МИРЗАКУЛОВ сурат-лавҳаси.

Семинар



Вилоят журналистларининг анъанавий амалий семинарининг навбатдагиси Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-сонли болалар мусика ва санъат мактабига бўлиб ўтди. "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада яхшилаш ва қонун ҳужжатларига риоя этилишини тақомиллаштириш" мавзусига бағишланган семинар ишида соҳа мутасаддилари, вилоятда чоп этилаётган даврий нашрлар муҳаррири ва журналистлари, ҳамда марказий нашрларнинг вилоятдаги мухбирлари иштирок этишди.

ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛ, МАҚСАД ЯГОНА

Вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда вилоят журналистлари ижодий жамоаси фаолияти таҳлил қилиниб, фикр ва тавсиялар ўртага ташланди. Таҳририятда газета мазмун-мундарижасини муттасил яхшилаб бориш бўйича етарли тажриба тўпланаётгани эътироф этилди.

Тадбир иштирокчилари тумандаги 12-сонли болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиларининг бадий чикишларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Шерзод ШУҲРАТОВ, Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

ЗАВОД ҚУВВАТИНИ ОШИРАДИ

Олмалик кон-металлургия комбинати (ОКМК) Туркиянинг "Dal Teknik Makina Ticaret ve Sanayi A.S." компанияси билан ҳамкорликда Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини ошириш бўйича шартнома тўзди.

Шартномага мувофиқ, завод қуввати деярли 25 фоизга ошиб, йилига 1,35 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. Лойиҳани амалга ошириш муддати – 2016 йил охирига мўлжалланган.

Қиймати 35,8 миллион долларлик лойиҳани мо-

лиялаштириш Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 14 миллион, ОКМКнинг 9 миллион АҚШ долларилек хусусий маблағлари ва маҳаллий банкларнинг 12,8 миллион долларлик кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

"Туркистон-пресс".

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Вилоят ҳокимлигида "Янги ижтимоий-сиёсий шароитларда парламент, депутатлик назорати самарадорлигини ошириш

нинг долзарб масалалари: қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти" мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Депутатлик фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, бир қатор мутасадди ташкилот ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташкил этган семинарда янги ижтимоий-сиёсий шароитларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишда парламент ва маҳаллий кенгашларнинг ўрни, парламент ва депутатлик назорати фаолиятини амалга оширишнинг назарий ва

ҳуқуқий асослари, мазмун-моҳияти ва турлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётида депутатлик назоратини амалга оширишнинг айрим жиҳатлари, давлат бошқарувини демократлаштиришда парламент ислохотларининг самарадорлигини таъминлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинарда Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари Светлана Ортикова ҳамда вилоят ҳокими, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Аҳмаджон Усманов иштирок этди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, Қобилжон ҒОҒУРОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.



Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ҚАБРДАН НИДО ЧИҚИШINI КУТМАНГ!

"Ота-онаси, бобоси ва момоси дафн этилган жойларни зиёрат қилиб турмайдиган, уларнинг қабрини эътиборсиз қолдирадиган беокбат инсонларни нима деб аташ мумкин? Наҳотки, лоақал Хотира ва қадрлаш қуни арафасида бундай кимсалар марҳум яқинларининг сўнгги манзилгоҳларига ташриф бу-

Бўстонлик туманидаги қабристонларни айланарканман, вилоят ҳокимлик соатларида айтилган юқоридаги гаплар қулоғим остида қайта янграётгандек бўлаверди. Айниқса, вилоят ҳокими

юриб, уларнинг мазорлари бугунги кунда қандай аҳволда эканлигидан хабар олиб қўймаса? Фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари? Хилхоналар аҳволини кўздан кечириб, ҳашарлар уюштириш, марҳумлар хотирасига лоқайд одамларни инсофга қақариш уларнинг иши эмасми?"

Аҳмаджон Усмановнинг "Бўстонликдаги 65 та қабристонни обод қилиб қўйиш мушкул ишми?" дея тумандагиларни саволга тутгани, бунга жавобан: "Ҳашарлар уюштирамиз, мазорларни

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ОЛАМ ОДАМ БИЛАН ГЎЗАЛ

Ҳаётимиз дунё, олам, ер, замин каби тушунчаларнинг яхлит бир ифодаси – Табиат билан бардавом. Билъакс, уни "Она табиат" деб бежиз улуғламайдилар. Зеро, ҳар бир тирик жонга она каби меҳрибон, жонқуяр табиат инъомларидан баҳрамандмиз. Курраи заминимизнинг тупроғи олтин, уммонлари дуру гавҳар. Ундаги жамики, мавжудотлар ичида олий мақомга нозил этилгани – Инсон. У бошқа жонотлардан фарқли ўлароқ онг, тафаккур деган хислатга эга. Шунинг учун яратувчиликка мойил, эҳтиёжларини қондириш йўлида тинмай ҳаракат қилади, изланади. Яшаш учун қулай шароитлар яратиб олишга интилади. Бу – яхшилик аломати. Ахир инсон дунёга яхши яшаш, бахтли ҳаёт кечирish учун келади ва бу озу-интилишларини тақиклаб бўлмайди.

Лекин, мезон, меъёр, мувоzanат ҳам бор. Мезон унутилса, мувоzanат бузилса, бундан нафақат инсон, балки барча тирик жон азият чекади, йўқлик сари юз тутди.

Узоққа бормайлик, мустақил-лигимиздан аввалги даврларда табиатга шафқатсизларча

хатти-ҳаракатлар туфайли Орол денгизи деярли қуриб битди. Унинг суви инглиз тадқиқотчиси Деннис Габорнинг "Исрофгарчилик асридан сўнг" деган таърифига мос ҳолда бебилиска ишлатиб юборилгани ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми 2-бетда).

Суд-ҳуқуқ тизими

ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир" мавзусидаги маърузасида хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Ушбу маърузада кейинги йилларда хусусий бизнес фаолият кўрсатаётган макроиктисодиёт ва тадбиркорлик муҳити анча яхшилангани, бироқ ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам кўпчилиги таъкидланган.

Биринчидан, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада чеклаш, иккинчидан, хўжалик субъектларига қўлланадиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта қўриб чиқиш, учинчидан, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни харид қилиш ва

маҳсулотларини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришни давом эттириш, тўртинчидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш вазифалари белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

«ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» ВА ПАРЛАМЕНТ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ахборот соҳасини ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлаш мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири экани хусусида "Демократия бошқарувининг барча босқичларидаги эркинликдир. Энг муҳими, сўз эркинлиги ҳуқуқини берадиган кучли қонунларимизга эга бўлишдир", дея алоҳида таъкидлаган эдилар. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини мустақил "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтаришга қаратилган назарий ва амалий ишлар изчил давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон тарихида биринчи марта оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги тамойили конституциявий қоида тариқасида белгиланиб, цензура бекор қилинган соҳага оид барча қонун ҳужжатлари ижроси ҳамда фуқаролар фаолиятида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, демократик ривожланиш тамойилларига асосланган жамиятда парламент қонун чиқарувчи олий орган сифатида мамлакатдаги барча соҳа ва тармоқлар ривож қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти истикболлини белгилаб берувчи омилдир. Шу боис, парламент ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик нафақат қонун ҳужжатларини фуқаролар онгу тафаккурига етказиш, балки

ҳар икки томон жамият олдидаги бурч ва вазифаларини адо этишида муҳим аҳамиятга эга. Парламент ўтган даврда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир ўндан ортиқ қонунлар қабул қилди. Хусусан, "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида",

(Давоми 3-бетда).



